ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЭШНИЯЗОВА АЙИМХАН ШЕРИПБАЕВНА

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИ ВА ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ИЖОДИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК: 821.512.133.091

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Эшниязова Айимхон Шерипбаевна
Истиқлол даври қиссачилиги ва Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг қиёсий-типологик тадқиқи..... 3

Эшниязова Айимхон Шерипбаевна
Жанр повести в узбекской литературе периода независимости и сравнительно и типологическое исследование творчества Хуршид Дустмухаммада..... 25

Eshniyazova Ayimkhan Sheripbaevna
Comparative-typlological study of Khurshid Dustmukhammad's work and uzbek story writing in the independence period……... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 53

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЭШНИЯЗОВА АЙИМХАН ШЕРИПБАЕВНА

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИ ВА ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ИЖОДИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.1.PhD /Fil.394 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Каримов Наим Фотиҳович**
филология фанлари доктори,
профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич**
филология фанлари доктори, профессор

Улуғов Абдулла
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.209.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (71) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Р.Баракаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч.Ҳаққулов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор лабораторияси, бадиий маҳорат, услуб ва усулдаги изланишларни муайян жанр қамровида белгилаш, бадиий-эстетик тараққиёт қонуниятларини ўзида акс эттирадиган адабиётлараро жараёнларни тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш илмий муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бунда қисса (повесть) жанри канонларидаги ўзгаришлар, унинг специфик хусусиятлари, табиатан шакл ва мазмунга хос янгиланишга мойиллиги каби жиҳатлар етарли асос саналиб, қиссачилик тараққиётига туртки бўлган омиллар ҳамда уларнинг бадиий-эстетик қийматини кашф этишда адабий таъсир, адабий алоқа, типологик тадқиқотларни олиб бориш давр талабига айланди.

Дунё адабиётшунослигида бадиий асарнинг жанр канонларини белгилаш, жанр структураси ва специфик хусусиятларини очиб бериш, илғор таҳлил методларидан самарали фойдаланиш ва бадиий-услубий изланишларни тадқиқ этиш давом этмоқда. Зеро, глобаллашув даврида ижтимоий тафаккурда юз бераётган ўзгаришлар адабиётшуносликда мавжуд ҳар бир жанрда шакл ва мазмун жиҳатдан юзага келаётган янгиланишларни тамойиллар асосида ёритиб бериш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Қисса жанрининг эволюцияси, жанр архитектоникаси, поэтик имкониятлари, образлар структураси, муаллиф ва қаҳрамон ўртасидаги параллелизм ҳодисасини ўрганиш адабиётшуносликдаги муҳим масалалардандир.

Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида кечаётган жанрий изланиш ва янгиланишлар кўлами ниҳоятда кенг. Ўзбек қиссачилиги ўзининг ранг-баранглиги, қамров кўламининг кенглиги, шакл ва мазмунидаги янги жиҳатлари билан мустақиллик даври адабиётида ўз ўрнини эгаллади. Қисса жанрида самарали ижод қилган, миллий адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бадиий маҳорати, услуб ва усул борасидаги изланишлари, экспериментлари ҳамда эришган натижалари шу жиҳатдан эътиборга сазовордир. Ёзувчи қиссалари ифоданинг қабариқлиги, тасвирнинг серқатламлиги, мазмуннинг залворлилиги, руҳий ҳолат манзараларининг ранг-баранглиги, қаҳрамон хаёлоти ва кечинмаларидаги жараёнларни тасвир объектига айлантириш орқали инсон кечинмаларини янада кўпроқ илғашга интилаётгани билан ажралиб туради. Истиқлол руҳи, жамият ҳаётида янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий муносабатлар доирасида ўзгаришлар санъат ва адабиётга ҳам таъсир кўрсатди, ўзбек адабиётига адабий алоқалар ва таъсир масаласини олиб кирди. Ёзувчиларимизнинг дунё адабиёти билан танишуви натижасида адабий таъсир етакчи ўринга чиқди. Ўзбек адабиётининг етук намуналарини жаҳон адабиёти билан қиёсий-чоғиштириш шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда муҳим долзарб аҳамият касб этади. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш, бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб

олиш катта аҳамиятга эга”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида қиссанинг жанр канонизацияси, табиати, специфик хусусиятига доир бир қанча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, Арасту, В.Г.Белинский, А.А.Потебня, В.В.Виноградов, М.М.Бахтин, В.М.Головко, В.Кожинов, Л.С.Лихачев, Н.Д.Тамарченко, Л.Б.Чернец, Г.Л.Абрамович, В.Е.Хализев, М.Б.Храпченко каби олимларнинг илмий асарларида қиссанинг жанр хусусиятлари, ёзувчи услуби, бадиий асар таҳлили ҳақидаги назарий қарашлари муҳим аҳамиятга эга[2].

Ўзбек адабиётшунослик илмида ҳозирги ўзбек қиссачилигининг ривожланиши, қисса жанри ҳамда қиссачиликда ёзувчи услуби ва бадиий маҳорати масалалари борасида кўплаб диссертация[3] ва турли йўналишдаги

---

[1] Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz. 2018.07.08.

[2] Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 351 б.; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Худ.лит-ра, 1975. – 502 с.; Белинский В.Г. Собрание сочинений. Т.3. – М.: 1978. – 271 б.; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – 118 б; Головко В.М. Поэтика русской повести. – Саратов: 1992. – 276 б.; Кожинов В. Повесть. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 272; Лихачев Л.С. Неравнодушная проза. – М.: Худ.лит-ра, 1984. – 314 б.; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Исскуство, 1976. – 614 б.; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Писатель, 1975. – 407 с.; Тамарченко Н.Д. Теория литературы / Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003; Чернец Л.Б. Введение в литературоведение. – М.: Высшая школа, 1976; Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. – М.: Учпедгиз, 1956; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – 397 с.

[3] Аброров А. Ўзбек совет повестининг таркиб топиши ва тараққиёти: Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 1975; Улугов А. Основные тенденции развития современный узбекский повести в интерпретации литературной критике: Дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1988; Досмухамедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккур янгиланиши: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1995; Рустамова М.Ю. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2005; Каримова Ю.А. П.Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол.фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт ва муаммолари: Филол.фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2008; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол.фан.номз...

тадқиқот ишлари амалга оширилган[1].

Қисса жанри ҳақида Иззат Султон, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, О.Шарафиддинов, Б.Назаров, И.Ғафуров. Б.Саримсоқов, Ҳ.Каримовлар илмий изланишлар олиб борганлар. Бевосита қиссачиликка бағишланган ишларда эса кўпроқ шу жанр билан боғлиқ муайян муаммолар тадқиқ этилади. А.Расулов ҳозирги ўзбек қиссаларида ёшлар характерининг ёритилиши муаммоларини, А.Рашидов ўзбек повестида меҳнаткаш инсон образи масаласини, К.Тагматов қиссачиликда қаҳрамон маънавий оламини ёритиш йўлидаги бадиий изланишларини, Ғ.Тошпўлатов қиссачиликда инсон маънавиятининг бадиий инъикосини тадқиқ қилганлар. Қиссачиликнинг даврлараро ривожланиши борасида С.Зоҳидова 60-70 йилларда яратилган ўзбек қиссаларини жанрий ва услубий хусусиятларига кўра, М.Тенглашев 80-йиллар ўзбек қиссаларидаги конфликт, Қ.Кўбаев 60-80-йиллар ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат миқёсида ўрганганлар[2]. Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди ва бадиий маҳорати масаласида М.Пирназарова “Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар” мавзусидаги диссертациясида “Бозор” романини, Г.Сатторова эса “90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси” мавзусидаги диссертациясида ҳикояларини илмий таҳлил қилишган. Ушбу диссертация ва илмий тадқиқотлар Хуршид Дўстмуҳаммаднинг насрдаги бадиий маҳорати,

---

дисс – Тошкент, 2012; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филол. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017; Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси.). Филол. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017; Раджапова Ф.А. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018. Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида): Филол.фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2019; Расулова У.Й. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари): Филол.фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020; Эшматова Ю. Б. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятининг бадиий талқини: Филол. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) ... дис. – Тошкент, 2020.

[1] Абороров А. Ўзбек повести. – Тошкент: Фан, 1973; Қўшжонов М. Қалб ва қиёфа. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Адабий тур ва жанрлар. 1 том. – Тошкент: Фан, 1991; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969; Норматов У. Ҳозирги қиссалар поэтикасига доир / Насримиз уфқлари. – Тошкент, 1974; Йўлдошев Қ. Янгиланишлар мунтазамлиги // Ўзбекистан адабиёти ва саньати. 2002, 19 апрель; Улуғов А. Ҳозирги ўзбек қиссачилиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987; ўша муаллиф. Қиссачилигимиз қирралари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; ўша муаллиф. Қиссаларда қалб акси // Шарқ юлдузи. 2011. №4. – Б. 137-140. Холмуродов А. Қиссада бадиий образ яратиш маҳорати. – Тошкент: Фан, 2006; Тўлаганова С. Бадиий асар морфологияси. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016; яна ўша. “Қурок”нинг кўзи // Ёшлик. 2014. №12. – Б. 35-37; Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин. – Тошкент: Фан, 2007. Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент: Муҳаррир, 2011; яна ўша. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссачилигида метафора ва тимсолли шарҳлар / Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент, 2020. – Б. 264-277; яна ўша. Киноявий наср ва бадиий шартлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. №6. – Б. 48-52; яна ўша. Ҳозирги ўзбек насрида рамз ва метафора // Шарқ юлдузи. 2011. №2. – Б. 158-162. Холдоров Д. Ижод моҳияти услуб хосияти. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017. Раджапова Ф. Аччиқ қисматли шахс фожиаси // Шарқ юлдузи. 2016, №2. – Б.130-133.

[2] Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях: Дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1966; Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе (1920-1960 гг.): Дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1981; Тагматов К. Нравственний мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970 гг.): Дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1981; Ташпулатов Г. Нравственные искания в совроменной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хотам): Дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1993. Захидова С. Жанровые и стилевые особенности советской узбекской повести (60-70): Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Тенглашев М.Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов: Дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1989; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60-80-йиллар): Филол. фан. номз. ...дисс. 2001.

асарларининг ўзига хослигини ёритишда муайян аҳамиятга эга. Лекин унинг қиссалари бирор диссертацияга алоҳида объект бўлиб хизмат қилмаган. Биз ўз тадқиқотимизда адибнинг услуб ва усул борасида ўзбек қиссачилигига олиб кирган янгиликларини кузатиш ва тадқиқ этишга интилдик.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режалари, жумладан, ФА – Ф1-Г039 "Алишер Навоий (икки жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш" (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хуршид Дўстмуҳаммаднинг қисса яратишда индивидуал услуби, сюжет, композиция ва қаҳрамон каби муҳим поэтик компонентлардан фойдаланишда ўзига хослиги ҳамда инсон шахси масалаларини бадиий тасвирлаш маҳоратини аниқлаш, унинг ўзбек қиссачилиги тараққиётида тутган ўрнини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қиссанинг жанр хусусиятларига оид назарий қарашларни умумлаштириш, жанр спецификасидаги янгиланишларни аниқлаш;

қиёсий-типологик таҳлил усулининг юзага келиши, моҳияти, вазифасини илмий тадқиқ қилиш, адабий таъсир, муштараклик ва типологик чоғиштирув хусусиятларини қисса жанри асосида белгилаш;

истиқлол даври қиссаларининг табиати, жанр канонизациясининг ўзига хослиги ва тасниф масаласини илмий асосда кузатиш;

қисса жанрида воқеликнинг бадиий қиёфаси ва қиссанавис образи, ёзувчи маҳорати, услуб ҳамда усул янгиланишларни кўрсатиш;

ёзувчи ижодида рамзий-мажозий тасвир ва метафорик талқин имкониятларини қиссалар таҳлили асосида ёритиш;

қисса сюжети ва композициясидаги ўзгаришларни, жанр структурасида шахс концепцияси талқинини қиёсий-типологик таҳлил асосида ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Х.Дўстмуҳаммаднинг "Нигоҳ", "Паноҳ", "Сўроқ", "Оромкурси", "Чаёнгул", "Ҳижроним мингдир менинг", "Мен-сенсиз, сен-менсиз", "Куза...", "Ёлғиз" қиссалари асосий манба қилиб олинди. Қиёсий-типологик таҳлил учун Ф.Достоевскийнинг "Камбағаллар", Г.Маркеснинг "Ошкора қотиллик қиссаси" романлари, Э.Аъзамнинг "Шоирнинг тўйи", "Чапаклар ва чалпаклар мамлакатида", Н.Эшонқулнинг "Тун панжаралари", "Қора китоб" қиссалари танланди.

Тадқиқотнинг предмети. Ҳозирги ўзбек қиссалари структурасида сюжет ва композициянинг янгиланиш хусусиятлари, адабий таъсир, типология ва компаративистиканинг муҳим компонентлари ҳамда бадиий моҳиятни ёритишдаги имкониятларини тадқиқ этиш тадқиқотнинг предметини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, биографик, психологик, социологик, аналитик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истиқлол даври ўзбек қиссачилигида янги типдаги қаҳрамонлар, ҳаётий материални танлаш ва бадиий қайта гавдалантиришнинг ўзига хос поэтик усуллари, бадиий тасвир ҳамда талқиндаги индивидуал ёндашув кўрсатиб берилган;

адабий таъсир, типология, компаративистика, қиёсий-чоғиштирувнинг муҳим компонентлари, бадиий моҳиятни ёритишдаги имкониятлари ўзбек ва жаҳон адабиётидаги мавжуд анъаналар асосида далилланган;

Х.Дўстмуҳаммаднинг қиссачиликдаги бадиий-услубий изланишларига жаҳон ёзувчилари ижодининг таъсири ҳамда ижодкор қиссаларининг бадиий концепциясидаги бетакрорлик илмий ёритилган;

замонавий қисса структурасида сюжет ва композициянинг инсон шахси талқинидаги имкониятлари Х.Дўстмуҳаммад ва Э.Аъзам асарлари чоғиштируви асосида ўрганилиб, қиссаларда шахс ва жамият муаммоси ҳамда бу муаммони турли бадиий ракурсларда тасвирлаш имконияти аниқланган;

қиссаларда рамзий-мажозий тасвирнинг ёзувчи маҳоратини белгилашда муҳим бадиийлик модусларидан бири эканлиги Н.Эшонқул ва Х.Дўстмуҳаммад қиссалари қиёси асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қисса структураси ва специфик хусусиятлари, жанр канонларидаги ўзгаришлар истиқлол даври қиссачилиги асосида илмий тадқиқ этилиб, Х.Дўстмуҳаммад қиссалари жаҳон адабиёти таъсирида яратилган шаклан ва мазмунан янги ҳодиса эканлиги қиёсий-типологик нуқтаи назардан ёритиб берилган.

адабий таъсир, компаративистика, типология, қиёсий-чоғиштирув усулларининг назарий асослари, адабиётшуносликдаги вазифаси ва янгилиги илмий асосланган;

истиқлол даври қиссаларида борлиқ ва инсон муаммоси, янги типдаги қаҳрамон ва ижодкор шахси масалалари илмий далилланиб, ижодкор бадиий ниятини ифодалашда бадиийлик модусларидан рамз ва метафорик тасвирнинг амалий аҳамияти ёритилган.

шахс концепцияси, муаллиф ва қаҳрамон муносабатини ифодалашда қисса жанри имкониятлари кўрсатилиб, замонавий ўзбек қиссаларига хос назарий ва амалий умумлашмалар илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги истиқлол даврида яратилган, бадиий тафаккурдаги янгиланишни ўзида акс эттирган қиссаларнинг танланганлиги, манбаларнинг қиёсий-типологик таҳлил асосида илмий тадқиқ қилинганлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, социологик, психологик таҳлил методлари асосида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар қисса жанри генезиси, ривожланиши тизимли ўрганилганлиги, мустақиллик даври қиссачилигида кечаётган жанрий ўзгариш ва янгиланишлар Х.Дўстмуҳаммад қиссаларининг қиёсий-типологик таҳлили, қисса поэтикаси бадиийлик модуслари нуқтаи назаридан текширилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ушбу диссертация иши материалларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курс ёки семинар машғулотларини ўтказишда, шунингдек, умумтаълим мактаблари, лицей, коллежларнинг адабиёт ўқитувчиларига методик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот иши бадиий асар таҳлили ва қисса жанри бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар тузишда материал бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Истиқлол даври қиссачилиги ва қисса жанридаги бадиий-услубий янгиланишларни қиёсий таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

истиқлол даври ўзбек қиссаларини қиёсий-тарихий метод, қиёсий-чоғиштирув, типология ҳамда адабий таъсир усулларида таҳлил ва тадқиқ натижаларига оид илмий хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА–Ф1-ГО40 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” (2012–2016) фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 25 июндаги 3/1255-1310-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши жаҳон қиссалари ва истиқлол даври ўзбек қиссаларини қиёсий текшириш имконини берган;

қисса жанрининг пайдо бўлиши муқаддас китоб, фольклор ва ёзма адабиёт билан боғланиши, жанр шаклланиш босқичида “халқ китоблари”нинг ўрни, қиссачилик ривожида пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларнинг таъсири натижаларига оид илмий маълумотлардан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015 – 2017) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4233-сон маълумотномаси). Натижада замонавий қиссаларнинг тасвир объекти, жанр спецификацияси ва жанр канонлари масалаларини мумтоз қиссачилик билан алоқадорликда текшириш имконини берган;

истиқлол даври ўзбек қиссачилиги, Х.Дўстмуҳаммад қиссаларининг қиёсий-типологик таҳлилига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Адабий жараён” адабий, илмий-маърифий кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 01-14/379-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларда кўтарилган адабий масалаларнинг илмий асоси таъминланган;

ўзбек адабиётида қисса жанрининг генезиси, тараққиёт босқичлари ва замонавий қиссаларнинг ўзига хос бадиий-ғоявий хусусиятларига оид таҳлилий натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Бедорлик” номли эшиттиришининг 2019 йил 11-21 май, 2020 йил 14 январь кунларида эфирга узатилган сонлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 21 февралдаги 04-25-418-сон маълумотномаси). Натижада истиқлол даврида фаолият юритаётган ижодкорлар ва улар яратаётган асарларни ўрганиш, билиш миллий ўзликни англашнинг асосий омили эканлигини кенг жамоатчиликка сингдириш мақсадига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 9 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жанрнинг специфик хусусияти ва қиёсий-типологик ёндашув”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фасл ***“Жанр канонизацияси: тасниф масаласи, қиёсий-типологик усул”*** деб номланади. Унда қисса жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари, табиати, спецификаси хусусида жаҳон ва ўзбек адабиётида олиб борилган тадқиқотлар умумлаштирилди ҳамда замонавий қиссаларнинг тасвир объекти, муаллиф шахсияти, жанр канонлари тадқиқ этилди.

“Қисса” арабча сўз бўлиб, “ҳикоя”, “саргузашт” маъноларини англатади. Қисса жанрининг келиб чиқиш моҳияти муқаддас китоб билан боғлиқ. Қуръон оятларида қиссалар берилади, 28 суранинг номи “Қасас”, яъни қисса деб номланади. “Бу сурада Аллоҳ таолонинг суюкли пайғамбарларидан Мусо (алайҳиссалом)нинг туғилишларидан тортиб, қандай

пайғамбар бўлганлари ва кўрган-кечирган ибратли ҳаётлари бошқа сураларга нисбатан муфассал ва мукаммал зикр қилингани сабабли у “Қасас” – “Қисса” деб аталгандир”[1].

Қисса турлари юзасидан олиб борилган тадқиқотларга таянилган ҳолда истиқлол даври қиссалари мавзу-мундарижаси ва қўйилган муаммо нуқтаи назаридан қуйидаги турларга ажратилди: 1) биографик; 2) лирик; 3) саргузашт-детектив; 4) сатирик; 5) эссе-қисса; 6) драматик қисса; 7) киноқисса; 8) мактуб-қисса; 9) монолог-психологик қисса; 10) уруш қиссалари.

Х.Дўстмуҳаммад қиссаларининг мавзу-мундарижаси қуйидагича тасниф қилинди: 1. *Мактуб-қисса:* “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”

2. *Биографик қисса:* “Ёлғиз”

3. *Монолог-психологик қисса:* “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Сўроқ”, “Оромкурси”, “Куза...”

4. *Саргузашт-детектив қисса*: “Чаёнгул”.

Рус адабиётшуноси Н.Тамарченко назариётчи олим М.Бахтин томонидан шакллантирилган “уч ўлчов” концепциясини изланишларига татбиқ этишда, жанрнинг уч аспектдаги структураси: сюжетдаги доминант схема, баён типининг композицион асосни ташкил қилиши, қаҳрамоннинг дунёси ва муаллифнинг борлиғи ўртасидаги алоқа типини ҳисобга олади[2]. У қисса структураси, сюжет ва композициясида синов сюжети муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди ва учта асосий турини ажратиб олган. Булар: “борлиқни синаш, қаҳрамонни синаш ва ғояни синаш”дир. Олим “борлиқни синаш” босқичидаги кузатишларида қаҳрамоннинг дунёни баҳолаш мезонига бўлган нуқтаи назарининг аҳамияти ортганини, диққат тасвир субъекти мавзусига ўтганини кузатади. Демак, қиссаларда қаҳрамоннинг ташқи олам билан муносабатини қайта назорат қилишда муаллиф нуқтаи назари бош ўринда туради.

Х.Дўстмуҳаммад ўз қиссаларида реал воқеликнинг жамият ҳаётига номувофиқлиги (жамият синови), қаҳрамон тафаккурида ғалаён бошланиши (қаҳрамон синови), ўзлигини қидириши ва ечим топиш йўлидаги интилишлари (ғоялар синови) шаклидаги сюжет тизимига асосланади. Адиб ижодида “борлиқ” ижтимоий-сиёсий вазият, “қаҳрамоннинг борлиқни англаши” “қаҳрамоннинг борлиққа муносабати” тарзида “борлиқ ва қаҳрамон” кабилар дастлабки сабаб, туртки асосида юзага келади. Кейин мана шу сабаб инсонни ўзини ўзи тафтиш этиш томон етаклайди. Ўзлигини англаш жараёнини ёзувчи бир неча босқичга бўлиб тасвирлайди. Туртки ҳамма қатори бирдай яшаб юрган одамни гўёки уйғотади, сарҳисоб қилишга ундайди. Айни сарҳисобда қаҳрамон яшашдан маъни нима эканлигини англайди, ўзини айбдор санайди. “Нигоҳ”да йўл ҳалокати, “Паноҳ”да зилзила, “Оромкурси”да ўқишга кириб, ётоқхонага жойлашув воқеаси, “Сўроқ”да учар ликопчада келган “келгинди”лар

[1] Қуръон сўз ва иборалари // Изоҳли луғат. – Т.: Movarounnahr, 2018. – Б. 336-337.

[2] Тамарченко Н.Д. Русская повесть Серебряного века:(Проблемы поэтики, сюжета и жанра). – М.: Intrada, 2007. – С. 20-23.

ташрифи туфайли қаҳрамон руҳиятида инқилоб рўй беради ва бу инқилоб қаҳрамон онги, тафаккурини уйғотиб юборади.

Қиёсий-типологик чоғиштирма усули филологиянинг асосий йўналишларидан бири саналади. Бундай тадқиқ усули замирида биринчи навбатда қиёс, яъни чоғиштирув туради. Адабиётшуносликда қиёсий-тарихий, қиёсий адабиётшунослик, адабий алоқалар, адабий компаративистика атамалари қўлланилади. Қиёсий адабиётшунослик термини франциялик Ж.Кювье томонидан дастлаб "қиёсий анатомия" шаклида ишлатилган. Кейинчалик тадқиқ усуллари такомиллашиб ва турлари кенгайиб, қиёсий-типология, адабий алоқалар, адабиётлараро алоқалар, адабий жараён ва глобализация, замонавий адабиётшунослик каби йўналишлари такомиллашиб борди. Тадқиқот объекти саналган дунёнинг икки қутби ижодкорларининг асарлари кўтарилган муаммо нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда, албатта, ҳар бир миллатнинг ўзига хос қадриятлар тизими пойдевор бўлади, муаллиф шахсияти, унинг тафаккур тарзи, миллий колорит, услуб ҳамда усулдаги индивидуал ҳолатлар бирламчи асос вазифасини бажаради. Бундай тадқиқ усулида қиёсий-тарихий метод восита вазифасини бажаради.

Типология – англаш ва ёндашувнинг ўзига хос усули бўлиб, айни ўхшашликни топиш ва бир қанча жиҳатларни тизимли равишда умумлаштириш, уларни маълум бир тип асосида гуруҳларга мувофиқлаштириш, яхлит тип шаклида ташкиллантириш демакдир. Адабий типларнинг психологик, социологик, рамзий, киноявий, фожиавий каби турлари мавжуд. Тадқиқот объектларимизда "асарнинг номлари", оила, сингил ор-номуси учун қотилликка қўл урган, туйғуларидан паноҳ излаётган, меҳр-муҳаббат тимсолига айланган, давр фожиасини елкасига олган, беҳаловатликдан ҳаловат излаётган, дунё синоатини тафтиш қилаётган уйғоқ инсонлар, давр қолипига сиғмаган, исёнкор типларни кузатдик.

Адабиётлараро қиёсда турли маданиятларнинг қадриятлари ўзаро солиштирилади. Бунда, албатта, диалог, яъни икки маданий ҳодисанинг чоғиштируви юз беради. Бундай тадқиқ усулида "диалог", "қиёсий", "чоғиштирма" каби адабий терминлар бирламчи вазифани бажаради. М.Бахтин шундай ёзган эди: "қачонки матнга бошқа матн орқали мурожаат этилгандагина унинг контекстдаги ҳаёти бошланади"[1]. Биз тадқиқ этмоқчи бўлган асарларда жанрий номувофиқлик бўлиши мумкин. Роман жанри канонлари қисса жанри канонларидан фарқ қилиши табиий. Агар тадқиқотда қўйилган муаммо нуқтаи назаридан ёндашилса, мақсад ва муддаомиз аниқлашади. Ф.Достоевский асарларининг чин мухлиси Х.Дўстмуҳаммаднинг мактуб жанрига асосланган асарлари тадқиқот марказига чиқарилди. "Ёш Вертернинг изтироблари" романи билан чоғиштиришда эса инсоннинг энг бокира туйғуларининг воситачиси – мактуб жанрига мурожаат этилди ва туйғулар инкишофидаги ўхшашликлар тадқиқ қилинди.

[1] Бахтин М.М. Эстетика словесного творчество. Изд. второе. – М.: Искусство, 1986. – С. 384.

Бобнинг ***“Қисса жанри имкониятлари ва бадиий-услубий изланишлар”*** деб номланган иккинчи фаслида қисса жанри табиати ва ифода шаклида кузатилаётган янгиланишлар Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг” ва “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссалари қиёсий-типологик таҳлил методи асосида ўрганилди. Х.Дўстмуҳаммаднинг мактуб-қиссалари таҳлилига эса Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар”, И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асарлари танланди.

Жаҳон адабиёти таъсирида қиссада жанрий янгиланишлар, яъни воқеликнинг мактуб асосига қурилиши, услуб ва усулдаги эксперименталр, “онг оқими” терминининг кириб келиши, қаҳрамоннинг ички дунёсида кечаётган ғалаёнларни тасвирлаш, ўз ички “мен”и билан курашаётган, ўз дунёси сари қадам ташлаётган қаҳрамонларнинг қисмати ёритила бошлади. Нореалистик тасвир усуллари, бадиий шартлилик, рамз, метафорик тафаккур асосий ўринга чиқди.

“Мустақиллик даври қиссаларида услубий янгиланишлар, аввало, нималарда кўринади ва бунинг асл сабаблари нима?” деган савол атрофида фикр юритадиган бўлсак, бу қуйидагиларда кўринади.

1. Жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, ўз навбатида, санъат ва адабиётга ҳам таъсирини ўтказди. Бадиий адабиётда кузатилаётган ўзгаришлар маълум бир авлоднинг шаклланиши, намоён бўлиши масаласи қисса жанри табиатига таъсир қилди.

2. Истиқлол муносабати билан ижтимоий-сиёсий муносабатлар доирасидаги ўзгаришлар ўз навбатида ўзбек адабиётига адабий алоқалар ва таъсир масаласини олиб кирди. Дунё адабиёти билан танишиш, катта адабиёт орзуси ифода ва услубда янги воситалар, поэтик ҳамда мифопоэтик талқин имкониятларининг кенгайишига сабаб бўлди. Бадиий ифодада рамз ва тимсолларга таяниш бирламчи аҳамият касб этди.

3. Бу давр қиссачилигида ижтимоий ҳаёт ва инсон табиатидаги мураккабликлар, зиддиятларни тафтиш қилишда киноявий руҳ устиворлик қила бошлади. Айниқса, бу ҳолат Эркин Аъзам ижодида ёрқин кўзга ташланди.

4. Шахс концепцияси ижодда етакчи тамойилга, ўзликни англаш жараёнларини бадиий йўсинда ифода қилиш эса эҳтиёжга айланди. Мустақиллик даври қиссаларида эркин бозор шароитида инсон табиатида кечаётган ўзгаришлар, моддиятнинг маънавиятдан устунлашуви оқибатлари тасвирлана бошлади. Ана шундай мураккаб шароитда ўзликни англаш муаммоси биринчи планга чиқди, бугунги кунини тафтиш қилиш орқали келажакка назар ташлаш, кузатиш, таҳлил қилиш кучайди.

5. Ўзбек адабиётида икки йирик йўналиш юзага келди: анаънавий реализм ва модернизм. Бу вақтда ўзбек адабиётида реализм устувор усул саналиб, модернизм йўлида ижод қилиш, бадиий экспремент ўтказишга уриниш ҳам бир журъат эди, аслида. Х.Дўстмуҳаммад тенгдошларидан фарқли равишда бадиий экспериментни маъқул билди.

6. Х. Дўстмуҳаммад асарларида магик реализм усулидан фойдаланиб янги, юрилмаган йўллардан юришни афзал билди. Чунки реализм ўзбек

адабиётида деярли ягона йўл сифатида ўзининг ҳумкронлигини юритиб турган паллада ижодкор “ҳавасда жасорат” сезди. Бугунги ижодкорлардан фарқли равишда ёзувчи мансуб авлод дунё адабиётидан катта кўламда бохабар эди. Бохабарлик, ўзбек ижодкорларини ижобий маънода “мубтало”ликка олиб келди, адабий таъсир ва тақлид муаммога айланиб улгурди.

Реализм йўлидаги ёзувчилар эса бунга, “чангалзор-сельва” (М.М.Дўст)га эргашишни танқид қилишди. Х.Дўстмуҳаммад ўз ижодий концепциясига шундай изоҳ беради: “Ёзганларим менинг дардларим, менинг изтиробларим. Мен тушунган, мени изтиробга солган оғирдан оғир туйғуларни эҳтимол бошқалар тушунмас?.. Ҳамма тушунган туйғуларни такрорлаш эмас, уларни ўзимча талқин этиш мен учун қизиқарли”[1]. Адиб янги йўллардан юришга умидланиш, усул ичида усул топишда магик реализмдан фойдаланди. Х.Дўстмуҳаммад ижодига хос индивидуал хусусиятлар икки хил йўналишнинг синтезидан ҳосил бўлгани кузатилади: а) диний-маърифий оҳангни рамзлар воситасида асар тагматнига жойлаш. Адиб қиссаларида ўз мақсадини, айтмоқчи бўлган фикрларини Қуръон оятлари, ҳадислар билан асослайди. Диний-маърифий тафаккур асосида адашиш ва яратишларга қодир инсоннинг мукаррамлигини рамзий ифодалайди. Бу эса ёзувчининг диний ва дунёвий илми мукаммаллигидан далолат беради; б) қаҳрамоннинг онг ости ҳолатини тасвирлаш, ўзбек адабиётида онг оқими ифода усулини ғарб адабиёти анъаналари асосида янгилаш ва ифодалашда акс этади.

Бозор ёзувчи ижодида алоҳида аҳамият касб этади. Бозор – олам, бозор – ёзувчи тафаккурида дунёнинг фалсафий жиҳатдан идрок этилиши, бозор – муносабатлар мажмуаси, бозор – тирикликнинг реал воқеликда намоён бўлиши, бозор – синов майдони, бозор – адабий макон, бозор – бадиий мақсадни ифодалашда восита, бозор – романнинг сарлавҳаси, бозор – “Жажман” ҳикоясида воқелик кечадиган адабий макон, хронотоп, Бозор – қисса қаҳрамонининг номи.

Х. Дўстмуҳаммад “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Сўроқ”, “Оромкурси”, “Чаёнгул”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Куза...” ва “Ёлғиз” қиссалари билан мустақиллик арафаси ва миллий истиқлол даври ўзбек қиссачилиги тараққиётига сезиларли ҳисса қўшди. Бу ҳолат танқидчиликда ижобий баҳоланиб, ҳозирги ўзбек адабиётининг жиддий ютуқлари қаторига киритилди.

Х.Дўстмуҳаммад янги йўналишда ёзилган “Ҳижроним мингдир менинг” ва унинг мантиқий давоми бўлган “Мен – сенсиз, сен – менсиз” мактуб-қиссаларида инсоннинг инсонлигини белгиловчи соф илоҳий ва заминий муҳаббатнинг куч-қудрати, икки қалб (Жондил ва Дилдўст) ошуфталигини мусаввир каби маҳорат билан тасвирлайди, ҳассослик билан мадҳ этади. Анъанавий ва ноанъанавий услуб синтези асосида яратилган мактуб қиссаларда ҳолат, кайфият, туйғулар жунбуши, ҳиссиёт оқими, қалб кечинмалари қаҳрамон онги, тафаккурида аксланади ва ички монолог сўз орқали мактуб шаклида битилади. Ошиқлар қалби фақат мактубларда

[1] Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. – Т.: Mumtoz so‘z, 2011. – Б. 309.

суҳбатлашади, тушда учрашади. Воқеалар ривожи эса мактублар алмашиниш жараёнидаги қаҳрамонлар туйғулари билан боғлиқ ҳолда кечади. Қиссада мўъжизакор туйғу бўлган муҳаббатнинг қудрати, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати на кўнгил майли, на орзу-ҳаваслар билан ҳисоблашмаслиги, икки севишган қалбнинг дил изҳори, армонли муҳаббати мактубларда акс этади ва илоҳий муҳаббат тараннум этилади, улуғланади. Қиссада заминий муҳаббатнинг даражаси осмоний муҳаббат (илоҳий)га юксалишини ошиқ қалбларининг Соғинчидан илғаймиз: "Асардаги асосий мотив ошиқларга хос соғинч бўлиши керакдек, лекин бир қарашда бундай эмас, балки асарнинг Жаҳоний Соғинч ҳақида эканлигини турли ишорат, рамзлардан билиб оласиз"[1]. Ёзувчи оддий ишқ ҳавасини эмас, балки Олий ишқ, Оллоҳ ишқи, қалб кўзи очиқ инсонларга насиб бўладиган ишқни назарда тутади.

Ф.Достоевскийнинг "Камбағаллар" романи қаҳрамонлари оғир ижтимоий шароитдан азият чеккан, бир-бирига интиқ, бир-бирига маънавий мадад бўлиб яшаётган ўрта ёшдаги муштипар инсонлар. Макар Девушкин хатлари меҳр-муҳаббатга тўла. Уларнинг хатларида жўшқинлик, ёшлик эҳтиросларі ва қайноқ муҳаббатдан йироқ бўлган соф, самимий қалб кечинмалари тасвирланади. В.Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари" романида Вертернинг севги изтироблари ва қалб кечинмаларини дўстига ёзган мактубларида ўқиймиз. Мактубларнинг барчаси Вертер томонидан ёзилган Гётенинг ички тўлғонишлари ва қалб оғриқлари эди.

Мактублардан иборат учала асар қаҳрамони бўлган ошиқлар муҳаббатли қалбнинг изтироб-ла ёниб яшашини тирикликнинг моҳияти деб билади. Макар Девушкин ("Камбағаллар"): "Сизни таниб олгач, мен, биринчидан, ўзимни ўзим яхшироқ била ва сизни сева бошладим; унгача эса, фариштагинам, мен сўппайиб юравердим, ёруғ дунёда яшаётгандай эмас, ухлаётгандай ҳис этардим ўзимни"[2], Вертер ("Ёш Вертернинг изтироблари"): "Шу нарса аниқки, дунёда муҳаббатгина кишини азиз қилади. Мен буни Лотта мисолида сезаман…"[3], Жондил ("Ҳижроним мингдир менинг"): "Сизни топгунга қадар... Мен қандай яшадим... ...Яшадимми?.."[4]

Мактублардан қурилган қисса ва романларда инсоннинг энг буюк туйғулари тасвиридаги муштараклик бежизга эмасдек. Уч хил давр, уч хил минтақада яшаган ижодкорларни боғлайдиган ришта Одам Атодан мерос туйғунинг миллат, дин танламаслигидан нишона, деб биламиз.

"Ёзувчи ижодида адабий таъсир ва типология" номли иккинчи бобнинг ***"Муаллиф ижодида адабий таъсир: муштараклик ва типологик чоғиштирув"*** деб номланган биринчи фаслида адабий таъсир, бадиий ният, бадиий шартлилик, шаклдаги параллеллик, реал қаҳрамон ва бадиий қаҳрамон, қаҳрамон психологияси масалалари Х.Дўстмуҳаммаднинг саргузашт-детектив "Чаёнгул" қиссаси ҳамда Г.Маркеснинг "Ошкора қотиллик қиссаси" асарининг қиёсий-типологик таҳлили асосида ўрганилди.

---

[1] Тўлаганова С. Катта адабиёт орзуси // Жаҳон адабиёти. 2012. №2. – Б. 173-176.
[2] Достоевский Ф.М. Камбағаллар. – Т.: Davr press, 2011. – Б.116.
[3] Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.52.
[4] Дўстмуҳаммад Х. Ҳижроним мингдир менинг. – Т.: Sharq, 2011. – Б.340.

Доим изланиш, ўрганишда бўлган адиб ўзбек адабиётида янги детектив қисса – қотилга айланган аёл қисмати тафтишу таҳлил қилинган “Чаёнгул”ни яратди. Адиб ижодкор-журналист сифатида жамият оғриқли нуқталарини юрагидан ҳис қилади, жамият дардларига куюнади, чора истайди, ечим топишга ҳаракат қилади. Ҳаётий ҳақиқатни бадиият қонуниятлари асосида қисса шаклига солади. Инсоннинг бешафқат тақдир олдида чорасизлиги, оилада эркак ва аёлнинг ўрни катта аҳамиятга эгалиги, эркаклик масъулияти, аёл тийнатидаги аёллик хислатлари топталиши жамият билан боғлиқлиги, аёл доим суянчга, меҳрга муҳтожлиги қиссада ёзувчи кузатишлари асосида акс этади. Асосий моҳиятни ёритишда ёзувчи ёрдамчи қаҳрамонларни ўзи танлайди. Ўн икки ёшли қиз ўрнига Ашур образини, Гулшоднинг акаси Ёқубни қиссага олиб киради. Х.Дўстмуҳаммад “Чаёнгул” қиссанинг формасини Г.Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси”дан олса ҳам соф ўзбекона тафтиш олиб боради. Қотиллик сабабини ёритиш учун уч босқичда тафтиш ўтказади: *биринчи тафтиш* – воқеанинг юз бериши ва тафсилотлар оқими, и*ккинчи тафтиш* – воқеа юз бергандан кейинги қаҳрамонлар руҳияти ва фожианинг асослари, у*чинчи тафтиш* – қотилликнинг юз бериши.

“Қисса сюжетида тасодифийлик занжирини ташкил қилган воқеалар ва вазиятларда “тақдир”, “қора қисмат”, “тасодиф”, “тақдир жазоси” деган “бадиий хронотоп”ни ташкил қилувчи сўз ва сўз бирикмалари бир-бирига уланиб кетади. Зеро, айнан шу сўзлар тасодифий жиноятга бадиий рамзий ишора берувчи муҳим деталь бўлиб хизмат қилади”[1].

Х.Дўстмуҳаммад қиссасида ўзбек миллатига хос анъаналар, ўзбекона ғурур, орият ва номус тушунчалари асосида тафтиш ўтказилган бўлса, Г.Маркес тафтишида ғарбга хос хусусиятларни кузатамиз. Икки миллат вакили яратган қиссаларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш асносида қуйидаги муштарак жиҳатларни кузатдик: ҳар иккала асарга танланган фожиавий воқеалар реал ҳаётда юз берган эди. Ёзувчилар воқеа юз берган жойга борган, воқеа тафсилотлари билан танишган ҳолда реал воқеаларга бадиийлик тўнини кийдиради ва инсониятни хушёрликка чорлайди. Ҳар иккала асарда ор-номус йўлида қотилликка қўл урилади. Синглиси номуси топталиб, умри завол топиши, терговчиларнинг номуссизликда айблаши, қасос ўти Гулгунни қотилга айлантирди. Ака-ука Викариолар синглисининг номуси учун қотилликка қўл уради. Иккала асарда ҳам туш деталига бадиий шартлилик асосида ёндашилган.

Турли ижтимоий муҳитда ижод қилган, турли миллат вакили бўлган ижодкорларнинг бадиий яратиқлардаги муштаракликлар бежизга эмас. Инсон Яратувчи измида ва назоратида бўлиб, тақдир – қисмат битигидан қочиб қутулолмайди. Қиссада адиб воқеалар тафтиши орқали қотилликнинг асосий сабабчиси ким, воқеалар оқимини бошқа ўзанга бурганда фожианинг олдини олса бўлармиди, жумбоғига жавоб ахтаради. Лекин қисмат барча савол-жавобларда ўз тасдиғини топиб боради. Битта оиланинг, Гулларнинг

[1] Эшматова Ю. Б. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятининг бадиий талқини: Филол. фан. б-ча ф-фа д-ри (PhD) ... дисс. – Т., 2020. – Б. 87.

хор бўлиши ЧаманГул, Гулгун, Гулшод фожиаси бу тақдир битиги. Сантяго Насарнинг ўлдирилиши ҳам инсон тақдирнинг измида эканлигига ишора эди.

Бобнинг 2-фасли ***“Ижодкор бадиий-эстетик концепциясида бадиий таъсир масаласи”*** деб номланиб**,** Х.Дўстмуҳаммаднинг ижодкор сифатида бадиий-услубий йўналишини аниқлашда, ижодий концепцияси тамойилларини белгилашда Т.Пўлатов ижодининг таъсири, бадиий таъсирнинг аҳамияти масалалари қиёсий-чоғиштирув усулида тадқиқ қилинади. Т.Пўлатов асарларидаги қаҳрамон, танланган мавзу, тасвир маҳорати ва парадокслари Х.Дўстмуҳаммаднинг янгича йўналишдаги битикларига туртки бўлди.

Тарозий фалсафаси (“Тарозий тошбақаси”), интилишлари, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган тажрибалар ўтказишга ҳаракат қилиши Устоз (“Куза...”) билан ҳамоҳанг. Тарозий инсонни англаш, ўзликка қайтиш, яъни инсон маънавий қиёфасини қайтариш йўлида тинимсиз меҳнат қилди ва натижада инсон Холиқ битигига қойим эканлигини тан олди. Устоз буюк англамларни англатишда йўлбошчи, аммо абадий маконга қайтиш фурсати етганди. Унинг англамлари, кузатишларини шогирди давом эттиришидан умид қиламиз. Тарозийнинг шогирди Армон – устознинг армонларини амалга оширувчи.

Х. Дўстмуҳаммад қиссаларида Т.Пўлатов каби воқеаларни, мазмунни рамзлар билан кодлайди. “Паноҳ” қиссасида рамз сифатида Она ўрик – Гулинур ва тирноқнинг кўчиши танланади. Она ўрик – миллий қадрият, Абдиали ака қадриятларга содиқлиги туфайли ўз даврида жазоланади. Зилзила юз бериши, Она ўрикнинг силжиши, тирноқнинг кўчиши миллий қадриятлар инсонга паноҳ эканлиги, улардан айро яшолмаслигидан нишона.
“Сўроқ” қиссасида “Учар баркаш” ва “Келгиндилар” рамзий маънода инсонни уйғоқликка, огоҳликка чорловчи, саволларга жавоб топишга ундовчи сўроқ-овоз. “Ёлғиз” қиссасида бозор, қамоқхона, данак, дўппи, бармоқ тимсоллари рамзий маъно ифодалайди. Бозор ва қамоқхона – Абдулла Қодирий яшаган тузум, давр сиёсатининг қиёфаси. Дўппи, бармоқ, данак тимсоллари ёзувчининг топилмалари, яъни Шахслар оломондан юқори туришини асословчи далиллардир.

Т.Пўлатовнинг “Бўлак манзилгоҳлар” қиссасида Бековнинг кител ва саквояжи – рамз, давр ва шахс фожиасининг рамзи. “Тарозий тошбақаси”да эврилиш ҳодисаси ва Тарозийнинг ўзи рамзга айланган. Бу Яратган қудратига қоим бўлиш, ҳаётни билиш ҳамда англаш рамзидир. Т.Пўлатов ижодий лабораториясида ҳаётда унчалик омади келмаган, яшашнинг моҳиятини англаш ҳаракатида исён қилаётган, соддаликлари билан бошқалардан устун турадиган, фидойи, жонкуяр, моддий бойликларни иккиламчи эҳтиёж деб биладиган инсонлар ички оламини бадиий ёритади. Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида табиатан камтарин, мағрурликни билмаган одамларнинг ўз олами, дунёси борлиги, улар жамият маънавиятини юксалтирувчи бўғин эканлиги бадиий асосланади. Ижодий диалог самараси сифатида ўзбек адабиётида ўйлайдиган, ўйлатадиган, кузатувчан, ҳаётда унчалик омади келмаган, болаларча содда, беғубор, ўзлигини унутмаган, дунёга ҳайрат билан боқадиган қаҳрамонлар яратилди.

“Қисса поэтикасида метафорик талқин имкониятлари” деб номланган учинчи бобнинг ***“Ёзувчи ижодида рамзий-мажозий тасвир”*** номли биринчи фаслида замонавий қиссаларда рамз ва метафоранинг бадиий юки, диний-маърифий тафаккур асосида бадиий шартлилик яратилиши тадқиқ қилинди. Ёзувчи бадиий концепциясини ифодалашда рамз ва метафоранинг аҳамияти Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оромкурси”, “Куза...” ва Н.Эшонқулнинг “Қора китоб”, “Тун панжаралари” қиссаларининг қиёсий-типологик таҳлили асосида ёритилди.

Х.Дўстмуҳаммад “Оромкурси” қиссасида олам ва одамни яхлит идрок этади, асосий моҳиятни рамзларга юклайди, махсус белгили хусусиятларини кодлар орқали талқин этади. Қиссада Оромкурси – зоҳирий маънода инсон табиатидаги тийиқсиз майл ёки дард, амал курсиларига ошуфталик, рангларда акс этган нафснинг ўзига хос жилвалари. Ижтимоий муҳитнинг шахсни декаданс ҳолатига туширганлиги, гедоник истакларга муккасидан кетишнинг фожиавий оқибатлари кўрсатилади. Оромкурси орқали умри тугаган тузум ва унинг амалдорлар ҳаётини қандай бошқаргани рамзий ифода қилинади.

Н. Эшонқул “Қора китоб” қиссасида рамзга асосланган ҳозирги замон қаҳрамонининг мифологик талқинини ўзига хос чизгиларда кўрсатишга эришди. Адиб инсоннинг покланиши ҳақида янгича йўналишдаги қиссани яратди. “Қора китоб” қиссаси тагматнидан икки хил ҳаётий хулоса ва қарашни илғаш мумкин. Авваламбор, Одам Атонинг шайтон измига бўйсуниб тақиқни бузгани ва гуноҳкор бўлгани, ерга туширилиши ва синовли умрнинг берилиши. Иккинчидан, “Қора китоб” номидаги китоб – умр, қора – ранг. Туркий халқларда қора ранг “катта”, “қудратли”, “улуғ”, “кучли”, “муҳташам” деган маъноларни англатган. “Қаҳрамонларнинг номидаги қора сифатлаши жасорат ва кучлилик синоними деб таъкидланган. Туркийларда “Қорабош туғ” (қора рангли байроқ бўлган) мард, жасур жангчилар байроғи бўлган”[1]. Демак, “қора китоб” –“улуғ умр”. Қаҳрамон шайтон найрангларини англаб етади, унга қарши курашади, хатоларини тан олади, тавба қилади. У ёмғирли тунда Одам а.с. билан учрашади. Илоҳий китобда ёмғирнинг ёғишида ҳикмат борлигига ишора қилинади, Оллоҳнинг инсонга қилган ҳидояти ёмғирга қиёсланади. Инсон Аллоҳ буюрган амаллар асосида арзирли ҳаёт кечириши, кафолатланган жаннатга муносиб бўлмоққа ҳаракат қилиши лозим.

Қиссада иккинчи мотив бир умр эътиқод қўйган, умрини бағишлаган, ишонган тузумнинг мағзи пуч, сароб эканлигини англаб етган қаҳрамон изтироблари, дард-аламлари тасвири. Халқимиз бошидан кечирган, мутелик исканжасида яшаган тузум сиёсатининг рамзий ифодаси, дейиш мумкин.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оромкурси” ва Н.Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссаларидаги рамз ва метафорик тасвирнинг типологик хусусиятлари қуйидагилар: а) *қаҳрамонлар номланиши:* *Назиров, Ниёзовичлар* – отанинг

[1] https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/ibrohim-haqqul-yana-qora-rang-talqini-haqida.html

